



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI O‘SIMLIKLAR KARANTINI VA HIMOYASI AGENTLIGI  
TOSHKENT SHAHAR O‘SIMLIKLAR KARANTINI VA HIMOYASI BOSHQARMASI**

100100, Toshkent shahar, Abdulla Qahhor ko‘chasi, 39-uy. Telefon: (99871) 203-21-01, e-mail: toshkent@karantin.uz

“26” август 2022 йил

№ 02-05/984

Тошкент ш.

**Божхона брокерлар  
уюшмасига**

Божхона Кодексининг 248 - моддаси учинчи қисмига кўра божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ва (ёки) транспорт воситаларининг божхона расмийлаштируви:

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ветеринария, фитосанитария назорати, экологик назорат ва бошқа турдаги давлат назорати амалга оширилганидан кейин, божхона расмийлаштирувини амалга оширилиши белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарорига 2-илова билан тасдиқланган “Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини бериш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 3-иловаси 2-бандида карантин рухсатномаси четдан олиб кирилаётган юкларга карантин кўриги далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг божхона ҳужжатларини расмийлаштиришга асос ҳисобланиши белгиланган.

Амалиётда (аввал), хорижий давлатлардан кириб келган Ташки Иқтисодий Фаолият (ТИФ) масканларида фаолият олиб бораётган давлат инспектори томонидан карантин остидаги маҳсулотларни карантин объектлари ва бошқа хавфли зарарли организмлар билан зарарланган ёки фитосанитар тозалиги ҳолати бўйича визуал кўригдан ўтказиб келинган.

Фитосанитар тоза (карантин объектлари ва бошқа хавфли зараркунандалардан холи бўлган) маҳсулотларнинг божхона расмийлаштирилуви учун карантин кўриги далолатномаси расмийлаштириб берилган.

Ушбу амалиётни ўтказиш учун (ричаг) “Ягона дарча” БАТдаги декларациясини тўлдиришнинг 18-позициясида карантин кўриги далолатномаси (401) киритилганлиги бўлган.

Бирок, Давлат божхона кўмитасининг 2022 йил 13 июндаги 12/02-22-0016-сон қарорига (Адлия вазирлиги рўйхат рақами 2773-8) ва ундаги



12-иловаси билан “Божхона юк декларациясини тўлдиришда фойдаланиладиган хужжатлар ва маълумотлар турлари таснифлагичи” киритилган **18-позициясида Карантин кўриги далолатномаси (401), 69<sup>3</sup>-позициясида Карантин кўриги далолатномаси позициялари чиқариб юборилиши** билан **карантин остидаги маҳсулотларни карантин кўригидан ўтказиш амалиёти узилишига сабаб бўлди.**

Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона кўмитаси томонидан “Ягона дарча” БАТдаги декларациясини тўлдиришнинг **18-позициясида карантин кўриги далолатномаси (401) чиқартириб юборилиши,** Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги 65-сон қарори ижросини таъминлашни инкор қилмайди.

Аммо, жойлардаги **БРОКЕРЛАР қонунчилик талабларини тадбиркорлик субъектларига нотўғри талқин қилиб, олиб кирилган карантин остидаги маҳсулотларни карантин кўригидан ўтказиш шартмас эканлиги бўйича ҳуқуқбузарлик содир қилишларига шарт-шароит яратиб бермоқда.** Бу эса ўз навбатида республика **фитосанитар ҳолатига ва озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига таҳдид солмоқда.**

*Маълумот учун: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 108-моддасида карантин остидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ҳудудидан олиб чиқиш қоидаларини бузиш бўйича назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган.*

**Биргина мисол жорий йилнинг июль ойида 17.037 тн маккажўхори уруғида бактериал касаллик қўзғатувчи “Маккажўхори вилти” аниқланганлиги сабабли экспортёр давлатга қайтариш йўли орқали республика ҳудудига карантин объекти кириб келишининг олди олинди.**

Юқоридагиларни инобатга олиб, республика **фитосанитар ҳолати ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш** мақсадида Сиздан амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ, **хорижий давлатлардан олиб кирилаётган карантин остидаги маҳсулотларни божхона расмийлаштирилуvidан олдин** белгиланган тартибда карантин кўриги ўтказилгандан кейин расмийлаштириш **амалиётини давом эттириш** ҳамда тадбиркорлик субъектларига ўсимликлар карантини соҳасига доир **қонунчилик талабларини тўғри талқин қилишлари бўйича брокерларга** тегишли топширик берилишида амалий ёрдам беришингизни сўрайман.

Хурмат билан,

Бошқарма бошлиғи



А.Абидов